

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/2 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES
Special Issue

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Гайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Рахманова Мавлуда Эркин қизи СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚЛАРНИ МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	9-16
Икромжонов Акмалжон Махмуджонович ФАХРУДДИН ЎЗЖАНДИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА ИЛМ ФАН РИВОЖИ.....	17-25
Холдоров Зоҳиджон Валижон ўғли ТУРКИСТОН ЛЕГИОНИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН.....	26-34
Хамидова Дилфуза Улуғбек қизи НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА.....	34-41
Nag'ashboyev Qazbek Bozorboy uli SULTON RAHMONOV – SAYYORANING ENG KUCHLI ODAMI.....	42-49
Махмудов Махмуд Авазович ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ТАБАҚАЛАШУВИ.....	50-58
Mamatov Bektosh Tolibjon o'g'li YALANGTO'SH VANODIR VA ASHTARXONIY HUKMDORLAR.....	59-66

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Muminova Elnoraxon Abdukarimovna “YASHIL” IQTISODIYOTGA O'TISHNING HORIJY TAJRIBALARI.....	66-75
Файзуллоев Мирсаид Шухратович СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ.....	76-85
Кахарова Нилуфар Эркинжоновна ОКР МЕТОДОЛОГИЯСИ ХАҚИДА ТУШУНЧА, МАҚСАДИ, АФЗАЛЛИГИ, ЖАРАЁНДАН КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР.....	86-91
Насруллоев Ҳаётжон Хабибуллоевич СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	92-99
Rahmonov Mirvoxid Rajabovich HUDUDNING INVESTISION JOZIBADORLIGI OMILLARINI EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH.....	100-107
Насруллоев Ҳикматулло Хабибуллоевич ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ЕЧИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	108-115
Тоштемиров Шохруҳ Тошпўлатович ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ.....	116-120

Насимов Равшанжон Азимович МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	121-130
Nabieva Nilufar Muratovna MARKETING AUDIT AND ITS IMPACT ON IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE COMPANY.....	131-139
Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ COVID-19 ИНҚИРОЗ ДАВРИДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ	140-148
Hoshimov Jahongir Ravshanbek o'g'li TO'G'RIDAN – TO'G'RI HORIJYIY INVESTITISYALARNI JALB QILISHDA MAMLAKAT XATARLARINI KAMAYTIRISH.....	149-155
Yusupov Farruxbek Farxodovich O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SOLIQ MA'MURCHILIGIDA SOLIQ TO'LOVCHILARGA XIZMAT KO'RSATISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI.....	156-162
Kunduzova Kumrixon Ibragimovna KICHIK BIZNES KORXONALARIDA MOLIYAVIY REJALASHTIRISH VA BYUDJETLASHTIRISHNING XUSUSIYATLARI	163-172
Зиёдинова Нилуфар Зариф қизи ИНВЕСТИЦИОН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ЎРНИ	173-179
Насимджанов Юнусжон Зоҳидович МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИҒИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	180-187
09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
Ҳакимов Акмалжон Мирзағаниевич ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МОҲИЯТИ	188-192
Холмирзаев Нодиржон Низомжонович УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	193-198
Voboqulov Abror Abdug'ani o'g'li “OPEN ARTIFICIAL INTELLIGENCE GPT” TIL MODELINING FALSAFIY Tahlili	199-204
Ялгашев Бунёд Махмудович САМАРҚАНД ВОҲАСИ ЭТНИК ГУРУҲЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИНГ ЯШАШ ТАРЗИ	205-213
Safarov Maqsudali ABU BAKR AR-ROZIYNING “TIBBI RUHONIY” (RUH TIBBIYOTI) ASARIDA G‘AZABNI VA INSONNING O‘Z KAMCHILLIKLARINI BARTARAF QILISH HAQIDA MULOHAZALAR	214-219
Сохибова Лола Жонибоевна ШАХС МАДАНИЙ САВИЯСИ – МАДАНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ИФОДАСИ	220-224

Адашова Махсума Махмудбоевна
ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ – ДУНЁ
ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА.....225-231

Mukhammediyarova Akhmaral
PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF NOOSPHERIC DEVELOPMENT IN THE
ECOLOGICAL AND GLOBAL SECURITY SYSTEM.....232-239

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Tilovov Ozod, Isoqulova Gulxon
FRAZEOLOGIK BIRLIKLARDA SONLARNING QO‘LLANILISHI VA ULARNING RAMZIY
MA‘NOLARI.....240-245

Surmilova Elena
GENDER STUDIES IN LINGUISTICS AND THEIR APPLICATION IN ENGLISH LANGUAGE
TEACHING246-252

Олимова Дилафрузхон Бахтиёржон қизи
ТИЛШУНОСЛИҚДА БАҲО КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ253-257

Djurayev Dilshod Mamadiyarovich, Radjabova Madinabonu Raimovna
XITOIY TILI GRAMMATIKASIDAGI “NATIJA TO‘LIQLOVCHISI (结果补语)”258-262

Azzamov Yusufjon Radjaboy o‘g‘li, Jo‘rayeva Xayriniso Shavkat qizi
EKOJURNALISTIKANING QO‘LLANILISH KATEGORIYALARI263-268

Fillipova Olga Igorevna
CONVERGENCE OF STYLISTIC DEVICES AS A CATEGORY OF REDUNDANCY.....269-278

Ismoilova Dilorom Rustamjon kizi
LEXICAL UNITS OF THE SEMANTIC FIELD “MURDER”279-285

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

Ильясов Баходир Ильясович
ELEKTRON DAVLAT XIZMATLARINI KO‘RSATISHNING TASHKILY-HUQUQIY MEKANIZMI VA
UNING RIVOJLANISH YO‘LLARI286-293

Чориева Хуршидабону Хуррам қизи
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОКИ294-299

Хаётов Анвар Хусанович
ХАЛҚАРО ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИНИНГ МУХТОР МАҚОМИ ВА ТУРЛИ ҲУҚУҚ
СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ300-307

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Журабекова Хабиба Мадаминовна
РЕЧЕВАЯ АКТИВНОСТЬ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР КОММУНИКАТИВНОЙ
КОМПЕТЕНТНОСТИ308-315

Tursunova Aziza Xoshimovna WEB TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BILIMNI NAZORAT QILUVCHI DIDAKTIK VOSITALAR YARATISH USULLARI	316-321
Oblanazarov Faxriddin Asadovich FUTBOLCHILARNI TAYYORLASHDA TA'LIM VA MASHG'ULOTNING ASOSIY QONUN- QOIDALARINI AMALGA OSHIRISH	322-329
Isroilova Dildora Muxtarovna, Solijonova Dildora Ulugbekovna IJTIMOIY-SIYOSIY MATNLAR TARJIMASINI O'QITISHDA LINGVOMADANIY OMILLARNING O'RNI	330-335
Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li MAKTAB O'QUVCHILARI HUQUQIY TA'LIM – TARBIYASINI SHAKLLANTIRISH BORASIDA OLIB BORILGAN TAJRIBA SINOV ISHLARI NATIJALARINING PEDAGOGIK TAHLILI	336-342
Jurayev Bobomurod Tojiyevich SHARQDA PEDAGOGIK FAOLIYATNING MAYDONGA KELISHI VA RIVOJLANISHI	343-350

6. И. Шомуродов. Туркистон легиони // “Турон тарихи”, 2012. № 6.
7. О.В. Романько. Мусульманские легионы во Второй мировой войне.–Москва: Транзиткнига. 2004.
8. П.П. Воробьев. Деятельность Туркестанского легиона в источниках и исторической литературе, опубликованной в Германии// Узбекистан: страницы истории. 1991.
9. С. Дробязко, А. Карашук. Второй мировой война 1939–1945. Восточные легионы и казацы части в Вермахте. – Москва. АСТ. 1999.
10. Қ. Ражабов, М. Давлатова. Туркистон легиони: уйдирма ва ҳақиқат// “Турон тарихи”. 2010. № 1 – 3.
11. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991 йиллар) иккита китоб. 1939 – 1991 йиллар, масъул муҳаррирлар: Абдуллаев Р. Раҳимов М. Ражабов Қ, – Тошкент: Ўзбекистон. 2019.
12. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ, 2000.
13. А. Ahat Andican. Dr. Baymirza Hayit'in Milli Türkistan Birlik Komitesi içerisindeki faaliyetleri// “Doğumunun 100.yilinda Baymirza Hayit ve günümüzde Türkistan tarihi araştırmaları uluslararası sempozyumu bildirileri”. – Istanbul. 2017.
14. “Doğumunun 100. yilinda Baymirza Hayit ve günümüzde Türkistan tarihi araştırmaları uluslararası sempozyumu bildirileri”, Editörler: Abdulvahap Kara, Ömer Kul, Filiz Ferhatoğlu. – Istanbul. 2017.
15. Coşkun Kumru. Hitler Almanyası'nin Türkistan politikası. 2021.
16. Halil Burak Sakal. Germany and Turkestanis during the course of the world war II (1941-1945) (a master's thesis). – Ankara. 2010.
17. Latif Çelik. II dünya savaşında Almanya saflarında savaşan "Türkistan lejyon ordusu" (doktora tezi). – Konya. 2015.
18. Mavlon Shukurzoda. Birinchi o'zbek millioneri // “Vatandosh” gazetasi, 2011-yil. № 5.

07.00.00 – Тарих фанлари

Хамидова Дилфуза Улугбек қизи
Камолиддин Бехзод номидаги
Милий рассомлик ва дизайн институти
Музейшунослик кафедраси ўқитувчиси

НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА

Аннотация. Мазкур мақолада Хоразм “Лазги” санъатининг ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш жараёнлари баён этилган. Шунингдек, Хоразм лазги санъати ва унинг ижрочилари фаолияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Лазги, ЮНЕСКО, номоддий маданий мерос, тарих, миллий қадрият, анъана, музей, Зардуштийлик.

Хамидова Дилфуза Улугбек қизи
Преподаватель кафедры музееведения
Национального института художеств и
дизайна имени Камолиддина Бехзода.

НЕМАТЕРИАЛЬНОЕ КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ ГЛАЗАМИ СОЗДАТЕЛЕЙ

Аннотация: В данной статье описываются процессы включения искусства Хорезма "Лазги" ЮНЕСКО в репрезентативный список нематериального культурного наследия человечества. Также освещается искусство хорезмских лазги и деятельность его исполнителей.

Ключевые слова: Лазги, ЮНЕСКО, нематериальное культурное наследие, история, национальная ценность, традиция, музей, зороастризм.

Khamidova Dilfuza Ulugbek kizi
Lecturer of the Department of Museology
of the National Institute of Arts and Design named
after Kamoliddin Behzod.

INTANGIBLE CULTURAL HERITAGE THROUGH THE EYES OF THE CREATORS

Abstract: This article describes the processes of inclusion of the art of Khorezm "Lazgi" by UNESCO in the representative list of the intangible cultural heritage of mankind. The art of Khorezm clanging and the activities of its performers are also covered.

Keywords: Lasgi, UNESCO, intangible cultural heritage, history, national value, tradition, Museum, Zoroastrianism.

DOI: <https://doi.org/10.47390/B1342V3SI2Y2023N04>

Ўзбекистон ҳудуди энг қадимий цивилизация марказларидан бири бўлган. Бу ҳудуд минг йиллар давомида шаклланган кўплаб моддий ва номоддий тарихий ёдгорликларга бой мамлакат ҳисобланади.

Номоддий маданий мерос ўтмиш ва келажак ўртасидаги боғлиқлик бўлиб, турли жамоаларнинг қимматли бойлигини англатади. Шунингдек ўзбек халқининг номоддий маданий мероси асрлар оша аждодлар томонидан сайқалланиб, халқнинг бебаҳо мулки бўлиш билан бир қаторда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқоролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим субъекти сифатида баҳоланади. Шу билан бир қаторда номоддий маданий мерос инсонни тарбиялайди, улуғлайди, табиат ва ҳаёт гўзаллигини очиб беради.

Ўзбекистон Республикаси 2007 йил декабрда Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро Конвенцияни ратификация қилди ва 2008 йил 29 апрелдан бошлаб унинг тўла ҳуқуқли иштирокчисига айланди. Мамлакатимизда 2003 йил 15 октябрда Париж шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош конференциясида (Юнеско) қабул қилинган Конвенция қоидаларини бажариш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

Конвенция мақсадлари:

- номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш;
- тегишли ҳамжамиятлар, гуруҳлар ва алоҳида шахсларга мансуб номоддий маданий меросни ҳурмат қилиш;
- номоддий маданий мероснинг муҳимлигига ва маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсда унинг умум томонидан тан олинишига эътиборини жалб қилиш;
- халқаро ҳамкорлик ва ёрдам кўрсатиш [1].

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда номоддий маданий мероснинг 4 та алоҳида рўйхати юритилади. Булар:

1. Зудлик билан муҳофаза остига олиниши лозим бўлган номоддий маданий мерос рўйхати.
2. Номоддий маданий мероснинг Репрезентатив рўйхатига киритиш учун тавсия этиладиган номзодлар рўйхати.
3. Номоддий маданий мероснинг миллий рўйхати.
4. Номоддий маданий мероснинг маҳаллий рўйхатлари.

Мустақиллик йилларидан бошлаб Ўзбекистон маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича махсус қонунлар қабул қилиниб, давлат дастурлари ишлаб чиқилди. Мазкур меъёрий ҳужжатлар ўзбек халқининг маданий меросини сақлаб, келажак авлодларга етказишга замин яратмоқда. Давлат дастурларида маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳам акс эттирилган [2].

Ўзбекистон томонидан 1993 йилдан 2020 йилгача ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига 5 та моддий-маданий мерос объекти ва 8 та номоддий маданий мерос номзодномаси киритилган бўлиб, 2030 йилгача 10 дан ортиқ маданий мерос объекти ва 5 дан ортиқ номоддий мерос номзодномаси киритилиши режалаштирилган.

Номоддий меросни сақлаш тизимини шакллантиришнинг дастлабки босқичини, Боливия ҳукуматининг 1973 йили ЮНЕСКОга фольклорни тартибга солиш, ривожлантириш ва тарқатиш бўйича намунавий таклифларни ишлаб чиқиш илтимоси билан мурожаат қилишидан бошланган деб ҳисоблаш мумкин[3].

Бугунги кунда ЮНЕСКО Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига Ўзбекистон томонидан тавсия этилган 7 та номзоднома киритилган. Шашмақом, Наврўз, Катта ашула, Аския, Палов маданияти ва анъаналари, “Хоразм рақси – Лазги” шулар жумласидан [4].

Лазги рақси халқимизнинг қадим тарихини, бой маданияти ва ма’навиятини ко’рсата оладиган гўзал санъат тури ҳисобланади. «Лазги» жуда қадимий мусиқа бўлиб, у тўғрисида жуда кўп тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб борганлар.

Хоразм сан’ати ва маданияти тўғрисида, хусусан лазги сан’ати ҳақида илк маълумотлар - Геродотнинг “Тарих”, Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” ва Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат ул-ада” асарларида батафсил ёритиб берилган. Ушбу асарларда рақсларнинг келиб чиқиш ва шаклланишини бевосита ибтидоий даврдаги ов жараёнларига, халқлар ўртасидаги ан’ана ва урф-одатларга бўлган ҳолда маълумотлар келтирилган.

Шунингдек Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Матёқубова ушбу санъат асарининг 9 тури мавжудлигини ўзининг «Офатижон «Лазги» деб номланган тадқиқот асарида келтириб ўтган. Унга кўра лазгилар ҳар хил шароитда пайдо бўлиб, асрлар оша давримизгача етиб келган. Тотемизм — “Масхарабоз лазгиси”, анимизм — “Қайроқ лазгиси”, зардуштийлик — “Олов лазгиси”, афсоналардан келиб чиққан “Дутор” ва “Сурнай” лазгилари, фантазия маҳсули бўлган “Хива лазгиси”, шарт-шароит тақозосига кўра пайдо бўлган “Ўғлон бола” лазгиси, “Гармон лазгиси”, элатларининг аралашувидан келиб чиққан Хоразм эронийлари лазгиси фарқланади. Уларнинг ижро услуби ҳар хил. “Масхарабоз лазгиси”ни ўйнайдиган ижрочи “Хива лазгиси”ни ёки “Дутор лазгиси”ни ўйновчи “Гармон лазгиси”ни ўйнай олмаслиги мумкин. Унинг фикрига кўра, «Лазги» мусиқаси 3000 йиллик тархига эга бўлиб, яратилиши жиҳатидан зардуштийлар даврига бориб тақалар экан [5].

Кўҳна “лазги” сўзи “титраш” деган маънони англатади, деган фикр бор. “Лазги” вужуднинг жадал маромига мос тарзда жўшқин ҳаракатлари ва уларга йўлдош бўлган юз ишораларини ифода этади.

Сергей Толстов лазги рақс санъатининг айрим унсурларига оид бир қатор асарлар ёзган. Уларда лазги ҳақида ко’плаб тарихий-фалсафий маълумотлар келтириб ўтилган. Хусусан, “Қадимги Хоразм” китобида ўрта асрларда меҳмонхона ва чойхоналарда одамлар йиғилиб, чарчоғини чиқариш мақсадида ҳолдан тойгунча оловга қараб рақс тушганларини ёзади. Бундан ташқари Толстов экспедициялари вақтида батафсил тадқиқ қилинган бир қатор кўҳна қалъаларда рақс тушаётган эркалар ва аёллар тасвирланган петрографик (тошга ўйилган) суратлар топилган.

Масалан, “Рақсга тушаётган ниқоблар” зали Хоразм ҳукмдорларининг қароргоҳи бўлган Тупроққалъа шаҳристонининг бир бўлаги ва муқаддас жой эди. Тупроққалъадаги “Рақсга тушаётган ниқоблар” зали деворларида эчки ниқобини кийиб олиб, рақсга тушаётган ўн олти жуфт эркак ва аёл тасвирланган.

Яна бир олим Т.Обидов эса “Хоразм масқарабозлари” китобида олов рақси мисолида сан’атнинг минг йиллик оташпарастлик одатлари ва рақснинг такомиллашув жараёнларини кузатиш мумкинлигини қайд этиб ўтган.

Манбаларга кўра, «Лазги» XX асрнинг 50-йилларига қадар куй тариқасида сурнай, танбур, гармон ва тор мусиқа асбобларида ижро қилиниб келинган. Бу куйга биринчи бор Комилжон Отаниёзов қўшиқ ёзган.

Бироқ бази тадқиқотчиларнинг фикрига кўра ҳозирги кунда «Лазги» қўшиғини ёш хонандалар томонидан жуда катта қўпол хатолар билан куйланаётгани таъкидланмоқда[6]. Бу эса ачинарли ҳол, албатта.

Тарихий муҳитни сақлашнинг энг тўлиқ шакли, ҳозирги вақтда меъморий ва этнографик профилнинг очиқ осмон остидаги музейлари сифатида тан олинганлигидадир. Бундай музейлар экспозицияси моддий экспонатлар ва уларнинг яратилиш жараёнини ўз ичига олган халқнинг ҳам моддий, ҳам маънавий маданияти ёдгорликларини бирлаштиради[7].

И. А. Чуклинованинг фикрича, франсуз олимлари А. Девале, Б. Делос, Ж. Давалон, Ф. Мерио биринчилардан бўлиб инсоннинг табиий ва маданий муҳитининг музейлаштирилиши мумкин бўлган элементлари тўғрисидаги илғор қарашларга риоя қилган ҳолда номоддий мероснинг таркибий қисмларини аниқлаш ва ўрганишга еътибор қаратдилар[8].

Рақс либослари ҳам ғайриоддийлиги билан ажралиб туради. Хоразм эркаклар рақс либосининг ажралмас қисми бу қўпол мўйнали қалпоқ (чо’гирма) бўлса, аёлларнинг бош кийими, аксинча, жуда нафисдир. Бундан ташқари Лазгига рақс тушаётган аёллар асосан ёрқин рангли либосларни кийганлар. Мисол учун, ёши катта аёллар “Дутор” лазгисида рақс тушишган. Уларнинг бошларида лачак бўлган. Ёш қизларнинг бошларига эса пат қадалган. Уларнинг кийимлари асосан тангалар билан безатилади. “Сурнай” лазгиси асосан эркаклар рақси бўлиб, Хоразмшоҳлар даврида қахрамонлик рақси деб ҳам аталган.

Г.Матёқубованинг фикрига кўра кўҳна хоразмликлар “кўз тегиши”дан асрайдиган балогардонларга ишонган. Раққосалар кийган анъанавий бош кийимининг чап томонига (яъни юракка яқин) қадалган тахя (хоразмча бош кийим тури) пат тотемик эътиқодлар қолдиғидир.

Ҳозирги кунда “Лазги” рақсининг ижро услубини, анъаналарини, янги ижтимоий шароитларда сақлаш ва ривожлантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон номоддий маданий меросини нафақат санъаткорлар балки, рассомлар томонидан ҳам кенг тарғиб этилаётганини кўришимиз мумкин. Ана шундай рассомлардан бири Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Курязовдир.

Тўра Курязов 1938 йил Хоразм вилоятида таваллуд топган. У П.П.Беньков номидаги Республика Рассомлик билим юрти ва Тошкент давлат театр ва рассомчилик институтининг рангтасвир бўлимида М.Набиев, В.Ковининларининг устахоналарида тахсил олган. Шунингдек рассом рангтасвир сирларини Роберт Фалькнинг шогирди - Игорь Виталиевич Савицкийдан ўрганган. Бир қанча вақт Рига шаҳридаги академик Индулис Августович Зарин устахонасида ижод қилди. Санкт - Петербург шаҳридаги Давлат Эрмитаж музейида Рембрант, Рубенс, Веласкесдек рассомларнинг ижоди ва расм чизиш технологияси ҳамда услублари сирларини ўқиб эгаллади. И.В.Савицкий

уюштирган археология ва этнография экспедицияларида қатнашигани уни махоратини янада бойитди.

У 1950-1960 йиллар рангтасвир мактаби анъаналарини ривожлантирган ўзбек рангтасвири усталари авлодига мансуб бўлиб, унинг тасвирий санъат ривожига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Тарихий-эпик жанр мусаввир ижодининг ажралмас қисми бўлди. Бундай эҳтирос унинг Қорақалпоғистон ва Хоразм воҳаси тарихи ва археологияга бўлган қизиқиши натижасида вужудга келган. Бу кўҳна замин анъаналари, удум ва афсоналари рассомни асар яратишида илхомлантиради.

Ўзбекистон Халқ рассоми Тўра Курязовнинг ижодида номоддий маданий меросга оид бўлган асарларни ҳам кўришимиз мумкин. Рассом ушбу асарлари орқали маданиятимизнинг энг яхши анъаналарини тақдим этади. Халфачилик, бахшичилик Хоразм худудида кенг тарқалган маҳаллий оғзаки ижоди хисобланади. Т.Курязов уларнинг ижодини чуқур ўрганиб, узоқ изланишлар натижасида бир неча бахши ҳамда халфачилик санъатига доир асарлар яратди. “Хонум Халфа”, “Лазги ”триптих, “Назира халфа”, “Онажон халфа”, “Сувора”, “Халфалар II”, “Ожиза”, “Шукур халфа” картиналари шулар жумласидандир.

Улар орасида “Лазги ”триптихи ҳақида гапиралидиган бўлса, асар композицияси марказидаги Афродита образи рамзий маънода лазги рақс санъатининг узоқ тарихга бориб тақалиши ҳақида ишора қилади. Асарда сариқ ва қизил ранглар етакчилик қилади. Бу ҳам рамзий маънога эга бўлиб, Хоразм воҳасининг иқлимига хос ифодаланган.



“Лазги” триптих. м., м. 1999

Мамлакатимизда миллий маданиятни, хусусан номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш, ривожлантириш ва унинг аҳамиятини тарғиб этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг далили 2020 йил 29 сентябрда 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба «Лазги» халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида президент қарори эълон қилинганлигидир. Шу билан бирга президентимизнинг Лазги академиясини ташкил этишга оид ташаббуси мамлакатимизнинг сайёҳлик жозибадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Бундан ташқари номоддий меросимизни тарғиб этишда давлат ташкилотлари қаторида Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоат фонди, “Умрбоқий мерос” каби жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Моддий мерос объектлари каби номоддий маданий мерос объектлари ҳам мамлакатга ташриф буюрувчи сайёҳлар сонининг ортишига хизмат қилади. Сабаби, туристларнинг ҳар хил гуруҳ ва категориялари учун туристик йўналиш қулайлигига таъсир этувчи, муҳим ўзгарувчи омил – унинг маданий ва ижтимоий характеристикасидар. Туристларнинг кўп қисми халқнинг маданияти, санъати, илм-

фани, дини, тарихига қизиқади. Худуднинг мусиқий потенциали – маданиятининг жозибатор элементларидан биридир. Айрим мамлакатларда мусиқа туристларни жалб этувчи асосий омил бўлиб хизмат қилади. Машҳур мусиқа фестиваллари ҳар йили минглаб иштирокиларни жамлайди [9].

Ўзбекистонда нафақат ёдгорликларни тиклаш ишлари орқали маданий меросни сақлашга, балки миллий ўзига хосликни мустақамлашга ва жаҳон маданиятида тан олинишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда[10].

Хулоса қилиб айтганда, номоддий маданий мерос объектлари халқнинг маиший турмушидан тортиб, анъанавий маданияти ва санъатини, унинг юзага келиш тарихи ва муҳитини қамраб олади. Бугунги кунда Ўзбекистон номоддий маданий меросини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилганлиги, миллий анъана, амалий санъатга доир билим ва кўникма ҳамда қадриятларнинг сақланиб қолишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда Хоразм лазгисини янада чуқур ўрганиш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, экспедициялар ташкил қилиш керак. Мазкур ўрганиш ишларининг натижасида номоддий маданий меросга оид музейларни ташкил этиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки музейлар тарихий ва маданий предметларни сақлаш ва намойиш этишдан ташқари, ижтимоий аҳамиятга эга маълумотларни жамлаган объектларни ҳам сақлайди ва оммага тадбиқ қилади.

Шу билан бирга Лазги санъатини муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрилиши долзарб саналади. Ушбу номоддий маданий мероснинг жамиятдаги ролини оширилиши, илмий-техник ва бадиий тадқиқотларни, шунингдек номоддий маданий меросни самарали ҳимоя қилиш бўйича илмий-тадқиқот услубиётларини ишлаб чиқишни рағбатлантириш жуда катта аҳамиятга эга.

Юқоридаги номоддий маданий меросни ўрганиш, сақлаш, музейлаштириш жараёнларига аниқлик киритишда фактологик материалларга таянилди. Жумладан тарихчи, этнограф олимларнинг тадқиқотлари ҳамда тарихий жанрда ижод этувчи рассом Тўра Курязовнинг асарларидан фойдаланилди. Рассомнинг ижодига мурожат қилинганлигининг сабаби шундаки у бир неча йиллар мобайнида рассом, этнограф И.В. Савицкий билан биргаликда экспедицияларда қатнашиб, турли анъана, урф-одатлар билан бир қаторда мазкур санъат турини ҳам ўз асарларида муҳрлаган.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Номоддий маданий мерослар бўйича меъёрий ҳужжатлар (тўплам). – Тошкент, 2013. – Б. 4-5.
2. Номоддий маданий мерослар бўйича меъёрий ҳужжатлар (тўплам). – Тошкент, 2013. – Б. 4-5.
3. Курьянова Т.С. Нематериальное наследие: этапы становления термина и явление. // Вестник Томского гос. ун-та. 2012. № 362. – С. 87.
4. <https://yuz.uz/uz/news/lazgi-shashmaqom-askiya-va-palov-yunesko-royxatiga-tavsiya-etildi>. 02. 02. 2022. 22:43
5. Matyoqubova "Ofatijon "lazgi". - T. Adabiyot va san'at nashriyoti. 1993

6. <https://zamin.uz/uz/madaniyat/65521-lazgini-buzma-mazgi.html>. 03.02.2023. 23:04.
7. Анализ опыта организации этнографических музеев под открытым небом в СССР и Европе. – М., 1986.
8. Куклинова И. А. Понятие «наследие» в системе научных взглядов представителей «новой музеологии» // Вестник Томского государственного университета. Культурология и искусствоведение. 2014. № 1. – С. 71-75.
9. Квартальнов В. А. Туризм. – Москва. Финансы и статистика. 2006.
10. <https://www.uzbekistan.travel/uz/madaniy-meros/>

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES Special Issue

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).